

Мулла Абдусамад қори домланинг ҳаётлари



11:30 / 21.03.2022 1866

Мулла Абдусамад қори домла 1888 йил Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, собиқ «Йикчи» кўчаси (ҳозирги Исфархон савдо мажмуасининг ёнидаги маҳалла)да Мулла Отабой хонадонларида таваллуд топди.

Отаси мулла Отабой аҳли илм ва уламоларни ўзига дўст тутган, ўта парҳезкор ва камтар киши бўлган. У ҳалол савдода барака бор деган нақлга мувофиқ, ризқ топиб оила тебратиш мақсадида савдо-сотик билан шуғулланган.

Мулла Абдусамад дастлабки саводини ота-онасида чиқаради. Сўнгра ўша даврнинг машҳур ҳофизини Қуръони ва мударриси Абдулғофур қори домлада таълим олиб, ҳофизини Қуръон бўлиб етишади.

Қизиғи, Абдулғофур қори домла илмда пешқадам шогирдларини 19 асрнинг машҳур олими ва тариқат пешвоси Яҳёхон тўрага байъат беришга олиб чиқар эдилар. Шу анъанага содиқ қолиб, Абдусамад қорини ҳам Яҳёхон тўрага олиб бориб, тариқат йўлига соладилар. У устозини Яҳёхон тўрадан шариат аҳкомлари ва тариқат одобларини ўрганиб, илму ирфонда камол топади. Абдусамад қори илм олишдан тўхтаб қолмади. Кейинчалик, ўша даврнинг машҳур фақиҳини Собитхон тўра (Абул маъоний) даргоҳларига шогирд бўлиб боради. У кишидан тафсир, фикҳ, ақоид ва ҳадис илмларини

чуқур ўзлаштириб, олим ва фозил бўлиб етишади.

Мулла Абдусамад қори домла табиатан ҳалим, мулойим киши бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан хулқланган киши бўлганлар.

Афсуски, қатағон сиёсати у кишини ҳам четлаб ўтмади. Бешафқат давр синовларини бошидан кечирди. 1930 йилларда ўз она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. У қўшни Қирғизистон республикаси, Ўш вилоятининг чекка қишлоқларида маълум муддат жон сақлаб, қочувда юради. Вазият юмшагандан сўнг она юрти Наманганга қайтиб келиб, фақирона ҳаёт кечириб умргузаронлик қилади.

Диёримиздаги кўплаб аҳли илм ва аҳли уламо кишилар бу зотдан таълим олиш бахтига сазовор бўлишган. Шулардан баъзиларини келтирамиз:

Мулла Ҳошимжон қори (Ровустонлик), Исмоилжон домла (Янгиқўрғонлик), Яҳёхон тўра (Собитхон тўра қизларининг ўғли), Муҳсинжон тўра, Абдулваҳҳоб қори, Аҳмаджон қори, Муҳаммаджон қори ва бошқалар.

Мулла Абдусамад қори домла тарбия қилган кўплаб шогирдлари ҳозирги кунда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва динимиз ривожига беназир ҳисса қўшиб келишмоқда.

Шогирдларидан бири қори домлани шундай эслайди. «Устоз Абдусамад қори домла биз шогирдларга бомдод намозини ўқигандан сўнг дарс олиш ва сабоқ беришга ўтирар эдилар. То пешин намозига азон айтилгунига қадар чўкка тушган ҳолатда ўтирардилар. Биз шогирдлар эса оёғимизнинг оғриғига чидай олмай у ёқ, бу ёққа тўлғониб ўтирардик. Устоз эса дарс асносида ҳеч қачон ўтирган ҳолатларини ўзгартирмас эдилар. Шунинг учун бўлса керак, у зотни «Абу чўкка» деб аташган экан».

Сайдуллоҳ Маъсумхон маҳдум ўғиллари (1898-1991) оталари айтиб берган воқеаларни шундай эслайдилар. «Мен Абдусамад қори домлани талабалик даврларида бирон бир марта кечалари оёқларидаги маҳсиларини ечиб, оёқларини узатиб, хордиқ чиқарганларини кўрмаганман. Кечанинг қайси пайтида бўлмасин, хоналари олдига бориб чақирсангиз, лаббай деб қўлларида ёқилган шамдонни кўтариб жавоб қилардилар. Бу зотнинг хаёллари ва тақволари жуда юқори бўлганидан бирор киши билан мулоқот қилган пайтда суҳбатдошларининг юзига боқмай сукунат назарида ерга қараб турар эдилар, дея хотирлардилар, отам раҳматли»[\[1\]](#).

Мулла Абдусамад қори домла 1972 йил 84 ёшларида оламдан ўтдилар. Уларни шаҳарнинг катта қабристони «Мангулик» мазорига устозлари Абдулғофур қори домла ва Собитхон тўра ёнларига дафн қилинди.

Мулла Абдусамад қори домланинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида айтиб ўтсак.

Абдусамад қори домла икки марта оила қурганлар. Улардан 12 нафар фарзанд кўрганлар. Бироқ, 3 нафар фарзандларидан бошқа барчаси ёшликларида норасида вафот этган. Аввалги аёлидан ёлғизгина Марзияхон пошша исмли қиз фарзандлари бўлган. Уни Носиржон Юсуфжон қори ўғилларига турмушга берганлар.

Абдусамад қорининг кейинги аёли Шарофатхон ойим (вафотлари тахминан 1986 йил) Абдуҳалилбой қизи бўлиб, ундан 1 нафар ўғил, 1 нафар қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Усмонхон (1931-2005) ва Ойшахон пошшалар. Усмонхон Боқияхон ойим (1937) Муҳаммад Сиддиқ (1908-1991) қори қизи билан турмуш қурганлар. Уларни 3 нафар ўғил ва 2 нафар қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Муҳаммадхон (1965), Абдуллахон (1972) ҳамда Зокиржон (1974) лар.

Ҳозирги кунда набира ва абиралари аҳли илм, аҳли Қуръон сифатида юртимиздаги кўплаб масжидларда ҳатми Қуръонларда хизмат қилиб келмоқдалар[2].

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.

[1] Ушбу маълумотлар ҳофизи Қуръон Маъсумхон махдум авлодларининг шахсий архивидан олинди.

-

—

[2] Ушбу маълумотлар мулла Абдусамад қори авлодларининг шахсий архивидан олинди.

-

-

-